

Ўзбекистон Республикасида истеъмол нархлари индекси (ИНИ)

2026 йил март ойи

Маълумотлар жадвалига ҳаволалар:

[МИИТ – 2018 бўлимлари бўйича истеъмол нархлари индекси](#)

[Ўзбекистон Республикаси бўйича барча товар ва хизматлар нархлари индекси, ўтган ойга нисбатан](#)

- I. Ўзбекистон Республикаси бўйича йиғма ИНИ
- II. Ҳудудлар кесимида йиғма ИНИ
- III. Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий гуруҳлардаги ИНИ
- IV. Йиғма ИНИ ўзгаришига МИИТ – 2018 бўлимларининг таъсир тузилмаси
- V. Геометрик Янг формуласи бўйича ИНИ (таҳлилий мақсадлар учун)
- VI. Услубий маълумотлар
- VII. Фойдали ҳаволалар


I. Ўзбекистон Республикаси бўйича йиғма ИНИ

2026 йил март ойида йиғма ИНИ ойлик кўрсаткичи **100,6 %**, 2025 йилнинг декабрига нисбатан **101,9 %**, йиллик нисбатда **107,1 %** ни ташкил этди.

[Таққослаш учун:](#) 2025 йил март ойида йиғма ИНИ ойлик кўрсаткичи **100,9 %**, 2024 йилнинг декабрига нисбатан **102,1 %**, йиллик нисбатда **110,3 %** ни ташкил этган.

Мева ва сабзавот маҳсулотлари нархларининг ўзгаришини ҳисобга олмаганда, ойлик ИНИ кўрсаткичи **100,5 %** (2025 йил март ойида **100,9 %**), 2026 йилнинг январь-март ойларида **101,5 %** (2025 йил январь-март ойларида **101,6 %**), йиллик нисбатда **107,8 %** (2025 йил март ойида **112,5 %**)ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ИНИ динамикаси, ўсиш (пасайиш) суръати %да



Қуйида МИИТ – 2018 бўлимлари бўйича 2026 йилнинг март ойида асосий товарлар ва хизматлар нархларининг ўзгаришлари келтирилган:

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар бўлими

Ой давомида асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан тухум – **2,1 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+17,0 %**)га, суякли мол гўшти – **1,8 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+15,1 %**)га, қўй гўшти – **1,2 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+18,2 %**)га, суяксиз мол гўшти – **1,2 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+15,5 %**)га, тирик ва совутилган балиқ – **1,7 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+5,3 %**)га, шакар – **1,7 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+0,8 %**)га, сут – ўртача **0,3 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+5,2 %**)га, ун – ўртача **0,6 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+3,4 %**)га ва ўсимлик ёғи нархлари ўртача **0,9 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+13,3 %**)га ўсиши кузатилди.

[Маълумот учун:](#) 2026 йил март ойида мол гўшти нархларининг ўзгариши ҳам импорт, ҳам маҳаллий мол гўштига нисбатан қайд этилди. Бунда республика бўйича энг арзон мол

гўшти нархлари ўртача бир килограмм учун 5 000 сўм атрофида ошди.

Ой давомида асосан гуруч ва гуруч оқшоғи – **0,4 %** (2025 йил март ойига нисбатан **-12,3 %**)га, парранда гўшти – **0,3-0,4 %** оралиғида (2025 йил март ойига нисбатан **+5,9 – +7,1 %**) нархларининг пасайиши кузатилди.

Асосий мева-сабзавот маҳсулотларидан помидор – **11,5 %** (2025 йил март ойига нисбатан **-6,5 %**)га, картошка – **9,8 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+16,3 %**)га, булғор қалампири – **10,0 %** (2025 йил март ойига нисбатан **-10,0 %**)га, қовоқ – **9,4 %** (2025 йил март ойига нисбатан **-51,9 %**)га, олма – **7,4 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+19,9 %**)га, банан – **6,0 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+7,4 %**)га, цитрус мевалар – ўртача **2,7 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+41,2 %**)га нархлари сезиларли ошди. Бодринг – **20,7 %** (2025 йил март ойига нисбатан **-19,1 %**)га, карам – **4,7 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+2,8 %**)га, пиёз – **4,6 %** (2025 йил март ойига нисбатан **-9,2 %**)га, сабзи нархларининг – **1,0 %** (2025 йил март ойига нисбатан **-6,9 %**)га сезиларли пасайиши кузатилди.

Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари бўлими

Жорий йилнинг март ойида асосий коммунал хизматлардан фақат маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тарифлар ошиши қайд этилди. Республика бўйича ушбу хизмат тури ўртача **0,9 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+28,7 %**)га қимматлашди.

Ой давомида турар жой биноларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича материаллар ва хизматлар ўртача **0,5 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+7,0 %**)га, уй-жойларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган мутахассислар хизматлари ўртача **0,9 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+6,6 %**)га қимматлашди. Уй-жой ижараси тўлови **0,2 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+2,2 %**)га ошди.

Соғлиқни сақлаш хизматлари бўлими

Соғлиқни сақлаш соҳасида ой давомида дори воситалари ўртача **0,7 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+4,6 %**)га, диагностика визуализация ва тиббий лабораториялар хизматлари **0,8 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+9,7 %**)га, амбулатор даволаш хизматлари **0,2 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+6,7 %**)га қимматлашди.

Транспорт бўлими

Ой давомида бензин учун ўртача истеъмол нархлари даражаси **0,9 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+9,2 %**)га пасайди. Бунда, бензиннинг АИ-92 маркаси – **0,9 %**га, АИ-95 маркаси – **1,3 %**га, АИ-98 ва АИ-100 маркалари эса – **0,5 %**га арзонлашди.

Пропаннинг нархи ой давомида **3,2 %** (2025 йил мартга нисбатан **+9,6 %**)га арзонлашиб, 1 литр учун юқори нарх чегараси **8 400 сўм**ни ташкил этди. 2026 йил март ойида метан нархи февраль ойи даражасида кузатилди, бироқ 2025 йил мартга нисбатан **30,3 %**га юқори даражада сақланиб қолди. Шахсий транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш хизматлари **0,9 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+7,0 %**)га, автотураргоҳлар хизмати **0,7 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+12,6 %**)га қимматлашди.

Йўловчи ташиш транспорти хизматлари орасида миллий валютанинг евро ва Швейцария франкига нисбатан мустақамлангани туфайли нархлар ва тарифлар пасайиши кузатилди. Хусусан, кузатилган йўналишлар бўйича авиапарвозлар нархи ўртача **4,1 %**га, узоқ масофага қатновчи поездлар чипталари эса **0,5 %**га арзонлашгани қайд этилди. Халқаро автобусларда ва шунга ўхшаш ташувларда йўлқира ҳақи **1,4 %**га, такси хизматлари **0,4 %**га, юк ташиш хизматлари эса ўртача **0,4 %**га ошгани қайд этилди.

Таълим соҳасидаги хизматлар бўлими

2026 йил март ойида хусусий болалар боғчалари хизматлари **0,8 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+4,8 %**)га ва тил курслари **0,1 %** (2025 йил март ойига нисбатан **+5,0 %**)га ошди.

Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар бўлими

2026 йил март ойида бўлимдаги товарлар ва хизматлар учун қисқа муддатли ИНИ

юқори чегараси **101,7 %** (қўл ва юз креми)ни, қуйи чегараси **99,9 %** (мактаб сумкалари, шу жумладан портфеллар, ранецлар ва рюкзаклар)ни ташкил этди. Йиллик ИНИ бўйича кўрсаткичлар чегараси **129,7 %**дан (қимматбаҳо металллардан ясалган никоҳ узуклари) – **100,3 %**гача (тиш чўтка) оралиғида кузатилди.

Бошқа бўлимларда товар ва хизмат нархлари ўзгариши таъсири юқори бўлмади ёки йиғма кўрсаткичга сезиларли даражада таъсир қилмади.

2026 йилнинг март ойида МИИТ – 2018 бўлимлари бўйича ИНИ, % да

Бўлим номи	2026 йилнинг февралига нисбатан	2025 йилнинг декабрига нисбатан	2025 йилнинг мартига нисбатан
I. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар	101,2	103,0	105,5
II. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	100,3	100,9	105,8
III. Кийимлар ва пойабзаллар	100,3	100,6	102,6
IV. Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари	100,3	101,0	117,5
V. Уй-рўзғор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш	100,3	101,0	102,4
VI. Соғлиқни сақлаш	100,6	101,7	105,6
VII. Транспорт	99,8	100,6	110,2
VIII. Ахборот ва алоқа	99,9	101,2	108,0
IX. Дам олиш, спорт ва маданият	100,2	101,0	105,1
X. Таълим соҳасидаги хизматлар	100,1	100,3	101,7
XI. Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари	100,8	102,1	108,3
XII. Суғурталаш ва молиявий хизматлар	99,8	140,9	140,4
XIII. Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар	100,5	102,2	107,6

II. Ҳудудлар кесимида йиғма ИНИ

Ҳудудлар кесимида қисқа муддатли ва йиллик ИНИ бўйича ўртача республика кўрсаткичидан катта фарқ қайд этилмади.

2026 йилнинг март ойида ҳудудлар бўйича ИНИ, % да

Ҳудудлар	2026 йилнинг февралига нисбатан	2025 йилнинг декабрига нисбатан	2025 йилнинг мартига нисбатан
Қорақалпоғистон Республикаси	100,6	101,9	107,3
вилоятлар:			
Андижон	100,6	101,9	107,0
Бухоро	100,6	101,8	107,3
Жиззах	100,6	101,8	106,4
Қашқадарё	100,6	102,3	107,1
Навоий	100,6	102,2	107,1
Наманган	100,6	101,9	107,3
Самарқанд	100,6	102,0	107,0
Сурхондарё	100,7	101,9	107,0
Сирдарё	100,6	101,8	107,2
Тошкент	100,6	101,9	106,8
Фарғона	100,6	101,9	107,5
Хоразм	100,6	101,8	107,4
Тошкент ш.	100,7	102,0	106,9

IV. Йиғма ИНИ ўзгаришига МИИТ – 2018 бўлимларининг таъсир тузилмаси

2026 йилнинг март ойидаги қисқа муддатли йиғма кўрсаткичга “Озиқ-овқат ва спиртсиз ичимликлар” юқори таъсир кўрсатиб, ИНИ кўрсаткичини **0,48 ф.д.**га (умумий ўсишнинг **76,2 %** и) оширди. “Транспорт” бўлимидаги нарх ўзгаришлари ойлик йиғма кўрсаткични жами ҳисобда **0,02 ф.д.**га туширди. Қолган бўлимларида нархларнинг ошиши йиғма кўрсаткични яна **0,17 ф.д.**га ошишига хизмат қилди.

МИИТ – 2018 бўлимларининг 2026 йил март ойида йиғма ИНИ ўзгаришига таъсири, ф.д.

ўтган ойга нисбатан

I. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар	0,48
II. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	0,00
III. Кийимлар ва пойабзаллар	0,04
IV. Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари	0,03
V. Уй-рўзғор буюмлари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш	0,02
VI. Соғлиқни сақлаш	0,03
VII. Транспорт	-0,02
VIII. Ахборот ва алоқа	0,00
IX. Дам олиш, спорт ва маданият	0,01
X. Таълим соҳасидаги хизматлар	0,00
XI. Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари	0,01
XII. Суғурталаш ва молиявий хизматлар	0,00
XIII. Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар	0,03

Жами таъсири

+0,63 ф.д.

ўтган йилнинг декабрига нисбатан

I. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар	1,19
II. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	0,01
III. Кийимлар ва пойабзаллар	0,07
IV. Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари	0,11
V. Уй-рўзғор буюмлари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш	0,06
VI. Соғлиқни сақлаш	0,09
VII. Транспорт	0,06
VIII. Ахборот ва алоқа	0,04
IX. Дам олиш, спорт ва маданият	0,03
X. Таълим соҳасидаги хизматлар	0,01
XI. Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари	0,04
XII. Суғурталаш ва молиявий хизматлар	0,11
XIII. Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар	0,11

Жами таъсири

+1,93 ф.д.

2026 йил январь–март ойида йиллик йиғма ИНИ ўсишига “Озиқ-овқат ва спиртсиз ичимликлар” бўлимидаги нархлар ўзгариши энг катта ҳисса қўшди (жами таъсирнинг **61,7 %**). “Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари”, “Суғурталаш ва молиявий хизматлар”, “Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар” бўлимларида нархларнинг ўсиши ҳисобига 2026 йилнинг январь–март ойларида йиғма ИНИга **0,11 ф.д.**дан ошишига ҳисса қўшди. Бошқа бўлимларда нархларнинг ўзгариши йиғма кўрсаткични яна **0,41 ф.д.**га оширди.

V. Геометрик Янг формуласи бўйича ИНИ (таҳлилий мақсадлар учун)

2026 йил январь ойидан бошлаб Миллий статистика қўмитаси геометрик Янг формуласи асосида қўшимча ИНИни шакллантириб келмоқда. **Мазкур индекс фақат таҳлилий мақсадларда қўлланилади ва юқорида эълон қилинган асосий ИНИнинг ўрнини босмайди ёки унга муқобил ҳисобланмайди** (батафсил маълумот “Услубий маълумотлар” бўлимининг VI бандида келтирилган).

2026 йил март ойида геометрик Янг формуласи бўйича ойлик ИНИ **100,6** %ни, 2025 йил декабрга нисбатан **101,8** %ни ташкил этди.

2026 йил март ойи учун геометрик Янг формуласи бўйича ИНИ, %да (ТАҲЛИЛИЙ МАҚСАДЛАР УЧУН)

Бўлим номи	2026 йилнинг февралига нисбатан	2025 йилнинг декабрга нисбатан
I. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар	101,1	102,8
II. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	100,3	100,9
III. Кийимлар ва пойабзаллар	100,3	100,6
IV. Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари	100,3	101,0
V. Уй-рўзғор буюмлари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш	100,3	101,0
VI. Соғлиқни сақлаш	100,6	101,7
VII. Транспорт	99,8	100,6
VIII. Ахборот ва алоқа	99,9	101,2
IX. Дам олиш, спорт ва маданият	100,2	100,9
X. Таълим соҳасидаги хизматлар	100,1	100,3
XI. Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари	100,8	102,1
XII. Суғурталаш ва молиявий хизматлар	99,7	121,4
XIII. Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар	100,5	102,2

VI. Услубий маълумотлар

2026 йил январидан бошлаб Истеъмол нархлари индексининг ойлик ҳисоб-китоби 517 та товар ва хизмат турига (2025 йилда – 510 та) асосланади, шундан 419 таси товар ва 98 таси хизматлардир.

ИНИ ҳисоб-китоблари (1) салмоқ вазнларини шакллантиришга хизмат қиладиган аҳоли харажатларининг тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар (уй хўжаликлари танланма кузатуви маълумотлари) ва (2) истеъмол нархлари ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Нархлар тўғрисидаги маълумотлар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий, географик ҳолатини акс эттиришини ва истеъмол бозорининг товарлар ва хизматлар билан тўйинганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинган Нукус шаҳри, Тошкент шаҳри, вилоятлар марказлари ва танланма асосда шаҳарлар ва туманлар марказларидан тўпланади.

Товарлар ва хизматлар нархлари ва тарифлари кузатуви турғун савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси шаҳобчалари ва кўчма савдо (палатка, расталар в.б.) объектларида танланма асосида ўтказилади.

Ҳисоб-китобларда қуйидаги манбалардан олинган нарх ўзгариши ҳақидаги маълумотлар қўлланилади:

(1) САРІ¹ технологиясига асосланган маълумотлар (чакана савдо дўконларига ташриф буюриб нархларни рўйхатдан ўтказиш);

(2) маъмурий транзакцион маълумотлар (солиқ органлари маълумотлар базасидан онлайн-касса машиналари чек маълумотлари);

(3) eStat² тизими орқали хизмат кўрсатувчи провайдерлардан ва чакана сотувчилардан олинган маълумотлар (API³ /Excel форматда);

(4) web scraping⁴ технологиясига асосланган ва турли хил онлайн манбалар (веб-сайт маълумотлари) дан олинган нархлар;

(5) CATI⁵ технологиясига асосланган маълумотлар (телефон орқали сўровномалар).

Нархларни йиғиш ҳар ойнинг 1-дан 25-санасигача бўлган даврда амалга оширилади. Нархларни тўплашнинг ҳар бир усули ва манбаси учун алоҳида график белгиланган бўлиб, у халқаро стандартлар тавсиялари асосида тайёрланган ва 2026 йил январь ойидан жорий этилган янгиланган методикада мустаҳкамлаб қўйилган.

ХВЖ экспертлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасига арифметик Янг формуласини жорий этиш қисқа муддатли истиқболда тавсия этилган.

Таҳлилий мақсадлар ва республикадаги инфляцион жараёнларни комплекс баҳолаш учун 2026 йил январдан бошлаб **геометрик Янг формуласининг муқобил вариантдан фойдаланиб, қўшимча нарх индексини шакллантириш бошланди**. Ушбу ҳисоб-китоблар натижалари доимо "Таҳлилий мақсадлар учун" деган белги билан эълон қилиб борилади.

Модификацияланган арифметик Янг формуласи асосида шаклланган ИНИ истеъмол секторидаги инфляциянинг асосий кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Геометрик Янг формуласи бўйича ҳисобланган ИНИ эса таҳлил мақсадлари учун қўшимча кўрсаткич сифатида қўлланилади.

Халқаро валюта жамғармаси мутахассислари томонидан ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасига геометрик Янг формуласини жорий этиш тавсия этилган.

2026 йил январь ойидан кучга кирган методологиядаги ўзгаришлар **"Ўзбекистон Республикасида нархлар индексларини шакллантириш методологиясидаги асосий ўзгаришлар тўғрисида"ги пресс-релиз**да батафсил ёритилган.

VII. Фойдали ҳаволалар

[Товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари \(тарифлари\) кузатувини ташкил этиш](#)

[ҳамда истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом](#)

[Ўзбекистон Республикаси Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи \(ЎР МИИТ - 2018\)](#)

[Истеъмол нархлари индекси бўйича қўлланма: концепция ва услубият \(2020\)](#)

Чоп этиш учун масъул:
Нархлар статистикаси
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Контактлар: info@stat.uz
Тел: +99871 203-80-00 (1100, 1101)



¹ CAPI (Computer Assisted Personal Interviewing) – нархлар статистикасида бу маълумот тўплаш усули бўлиб, унда регистраторлар савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига бевосита бориб, нархларни қоғоз анкета ўрнига планшет орқали қайд этадилар.

² Ўзбекистонда статистик ҳисоботларни электрон шаклда йиғишга мўлжалланган автоматлаштирилган ахборот тизими.

³ API (Application Programming Interface) – бу турли дастурлар ўзаро мулоқот қилиши ва маълумот алмашишига имкон берувчи дастурий интерфейс, қоидалар, буйруқлар ва воситалар жаммасидир.

⁴ Веб-ресурс саҳифаларидан маълумотларни автоматик равишда қирқиб олиш технологияси.

⁵ CATI (Computer Assisted Telephone Interviewing) – бу компьютер ёрдамида телефон орқали интервью ўтказишга асосланган маълумот тўплаш усули.